

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МУХАММЕДОВА ЗАРИНА МУРОДОВНА

**ТУРИЗМНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Мухаммедова Зарина Муродовна

Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар
иқтисодий самарадорлигини ошириш 3

Мухаммедова Зарина Муродовна

Повышение экономической эффективности инвестиционных
ресурсов в инновационном развитии туризма..... 27

Mukhammedova Zarina Murodovna

Increasing the economic efficiency of investment resources
in the innovative development of tourism..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МУХАММЕДОВА ЗАРИНА МУРОДОВНА

**ТУРИЗМНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАР ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зайналов Жаҳонгир Расулович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баходирхон Шаҳриёрович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 141100, Самарқанд шаҳри, Амир Темура кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темура кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-34-76; Факс: (99866) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.Қ. Пардаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида туризм энг тез суръатлар билан ривожланаётган соҳа ҳисобланиб, истиқболли тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда “жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги соҳа улуши 10 фоизни, жаҳон хўжалиги ялпи инвестицияларидаги улуши 7 фоизни, жаҳон хўжалиги хизматлар экспортининг эса 29 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади”¹. Туризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида янги иш ўринларини яратишда намоён бўлмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳон миқёсида коронавирус пандемияси тарқалиши иқтисодиёт тармоқлари каби туризм соҳаси ривожига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Бу ўз навбатида соҳани анъанавий ривожлантириш моделидан инновацион моделига ўтиш жараёнларини жадаллаштириш заруратини шартламоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда жаҳонда соҳани анъанавий ва инновацион ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Жаҳон хўжалигида туризмни тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишдаги ролини кескин ошириш мақсадида илмий тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида соҳага инвестицион ресурсларни фаол жалб этиш, макро ва микродаражада улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, инновацион инвестицияларни рағбатлантириш ва уларни тармоқ юксалишининг етакчи омилига айлантириш, инновацион фаолиятни фаоллаштиришнинг иқтисодий дастакларини такомиллаштириш каби йўналишлардаги тадқиқотлар устувор даражада бажарилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кенг қўламли ислохотлар доирасида туризмни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда инвестицияларни тез суръатлар билан ривожлантириш ва ушбу соҳани миллий иқтисодиётнинг устун ривожланган истиқболли тармоқларидан бирига айлантириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. “Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади”². Бу борада соҳага жалб этиладиган инвестицион ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳани анъанавий ривожлантириш моделидан инновацион моделига ўтиш, “туризмда инвестиция” тушунчаси мазмун-моҳиятини инвестицион фаолиятига бевосита таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш ва амалий жиҳатлари бўйича муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш, минтақавий инновацион марказларни ташкил этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш, соҳада венчурли молиялаштириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

¹ UNWTO. Tourism Highlights: 2019 Edition, p. 8. // <http://www.unwto.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни (2019), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризмни инновацион ривожлантириш, туризм хизматлар соҳаси ва унинг айрим турларини назарий ва амалий жиҳатлари кейинги йилларда кенг кўламда тадқиқ қилинмоқда. Унинг муҳим жиҳатлари мамлакатимиз ва хорижлик олимлар ҳамда мутахассис тадқиқотчилар томонидан фаол ўрганилмоқда.

Хорижлик олимлардан Т.Кук, В.Хунзикер, Н.Лейперлар³ туризм соҳасига оид муаммоларни тадқиқ этишга ва уни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган.

Россиялик олимлар ҳам туризмга оид ҳамда уни ривожлантириш муаммолари бўйича кенг кўламда илмий тадқиқотларни амалга ошириб, унинг назариясини бойитиш ва замонавий амалиётини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган. Бу борада И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, А.С.Кусков, И.Т.Балабанов, А.И.Балабанов, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева, Ю.С.Путрик, М.Б.Биржаковларнинг⁴ илмий ишлари эътиборга молик.

Ватандош иқтисодчи олимларимиздан Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, Н.Т.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, Ж.Р.Зайналов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тухлиев, О.Х.Хамидов, Б.Н.Наврўз-зода, А.А.Эштаев, М.Р.Болтабоев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, Е.В.Гольшева⁵ ва бошқа олимларнинг⁶ тадқиқотлари ва илмий асарларида туризмга оид муҳим масалалар тадқиқ этилган.

³ Томас Кук – “отец” туристского бизнеса. // https://studme.org/37902/turizm/tomas_kuk_otets_turistskogo_biznesa; Hunziker W., (1963) “Kurt Krapf †”, The Tourist Review, Vol. 18 Issue: 3. // <https://doi.org/10.1108/eb059899>; Лейпер Н. Новые подходы к туризму [Текст] / Н. Лейпер. – М.: Классика, 1990. – 124 с.

⁴ Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с.; Квартальнов В.А. Туризм. – М.: Финансы и статистика, 2014. – 368 с. // <https://e.lanbook.com/book/69175>; Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – 530 с. // <https://www.litres.ru/aleksey-kuskov/osnovy-turizma/>; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 176 с.; Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью: учебное пособие в 2-х частях. Ч. 1. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2011. – 268 с.; Путрик Ю.С. История туризма: Учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – 256 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм. – М – СПб.: «Издательский Дом ГЕРДА», 2014. – 544 с.

⁵ Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 с.; Пардаев М.Қ. ва бошқ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм

Ўзбекистон ва хорижий олимлар туризми ривожлантиришда инвестициялар билан боғлиқ муаммолар доирасида унинг турли жиҳатлари билан шуғулланганлар. Булар жумласига Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк, В.С.Боголюбов, В.П.Орловская, С.А.Быстров, Ю.Ф.Волков, М.Г.Воронцова, Л.С.Тарасевич, С.А.Севастьянова, А.Д.Чудновский, Е.И.Копачева, В.С.Сенин, И.И.Эргашев, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Э.Ибадуллаев⁷ каби олим ва мутахассисларни киритиш мумкин.

Инновацион фаолиятни амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг фундаментал масалаларига хорижлик иқтисодчи олимлардан Й.А.Шумпетер, Дж.Кейнс, А.М.Хьялагер, М.Ю.Портер, Дж.Б.Кларк, К.Р.Макконелл, В.П.Баранчеев, Л.Н.Оголева, А.П.Дудь, Ю.И.Абульян, Р.Т.Рахмонов⁸ каби олимлар сезиларли натижаларга эришган.

соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт-молия, 2008. – 260 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. – Т.: Гос.науч. изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 238 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж. ва бошқ. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 б.; Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Проблемы укрепления и управления финансами туристических предприятий. // *Viznes - Эксперт*. 2019. – № 8. – С. 101-106.; Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 400 б.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: Автореф... канд. экон. наук. – Т., 2006. – 22 с.; Б.Н.Наврўз-зода ва бошқ. Туристик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017. – 156 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати – Сам., 2019. – 95 б.; Болтабоев М.Р. ва бошқ. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик. – Т., 2017; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Сам., 2017. – 96 б.; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дис...канд.экон.наук. – Т.: ТашГЭУ, 2011. – 170 с.

⁶ Хайитбоев Р., Амридинова Р. Туризмда маркетинг тадқиқотлари. – Сам.: СамИСИ, 2010. – 64 б.; Абиев Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Сам., 2019. – 59 б.

⁷ Гитман Л. Дж., Джонк М.Д. Инвестициялар асослари. – М.: ИНФРА-М, 2003. – 1008 б.; Боголюбов В.С. Экономика туризма: учебник для студентов учреждений высшего профессионального образования, обучающихся по направлению подготовки “Туризм” / В.С.Боголюбов, В.П.Орловская. - 4-е изд., перераб. и доп. М.: Академия, 2013 – 190 с.; Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.; Волков Ю.Ф. Гостиничный и туристский бизнес. Изд. 2-е. – Ростов н/Д.: Феникс, 2009. – 637 с.; Тарасевич Л.С. Макроэкономика: учебник и практикум для академического бакалавриата / Л.С.Тарасевич, П.И.Гребенников, А.И.Леусский. – 10-е изд., пер. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2014. – 684 с.; Севастьянова С.А. Региональное планирование развития туризма и гостиничного хозяйства: учеб.пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 256 с.; Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма России в современных условиях: учеб.пособ. – М.: КНОРУС, 2007. – 416 с.; Копачева Е.И. Управление финансовой устойчивостью для обеспечения эффективной деятельности туристских предприятий: Дис...канд.экон.наук. – Симферополь, 2011. – 178 с.; Сенин В.С. Организация международного туризма. – М.: “Финансы и статистика” 2005. – 379 с.; Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Сам., 2018. – 52 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2003. – 332 б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари. И.ф.н., илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Сам., 2010. – 25 б.

⁸ Шумпетер Й.А. Теория инноваций и последующие теории. // <https://habr.com/ru/post/57528/>; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Издательство: Геднос, 2002. – 422 с.; Xhiliola Agaraj & Merita Murati, 2009. “Tourism an Important Sector of Economy Development”, *Annals – Economy Series*, Constantin Brancusi University, Faculty of Economics, vol. 1, pages 83-90, May.; Портер М.Ю. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Портер М.Ю., - 6-е изд. – М.: Альпина Пабли., 2016. –

Шунингдек, мазкур муаммолар ватандош иқтисодчи олимларимиз С.С.Ғуломов, М.М.Мухаммедов, А.В.Вахобов, Д.Х.Асланова, Р.Х.Эргашевларнинг⁹ тадқиқот ишларида атрофлича ёритиб берилган.

Мамлакатимизда мавжуд улкан туристик салоҳиятдан унумли фойдаланиш, туризмни ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга доир илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлишига қарамасдан, уларда туризмни инновацион ривожлантириш асосида соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари етарлича ўз аксини топмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда №ФА-Ф7-003 “Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш асосида унинг турмуш даражасини ошириш муаммолари” ва №229/-Ф “Самарқанд вилоятида туристик очиқ иқтисодий ҳудудни яратиш стратегияси” мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“инвестиция”, “туризмда инвестиция” каби ибораларнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятининг назарий-услубий асосларини ҳамда уларнинг такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

туризмни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда инвестицияларнинг ролини аниқлаб бериш;

асосий капиталга йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш тенденцияларини аниқлаш;

туристик корхоналарда инвестицион ресурслар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

453 с.; Макконелл К.Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика: учебник / К.Р. Макконелл, С.Л. Брю, Ш.М. Флинн; пер. с англ. – 19-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2018. – 1028 с.; Баранчев В.П. Управление инновациями: учебник для бакалавров: для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим направлениям и специальностям / В.П.Баранчев и др. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2012 – 710 с.; Оголева Л.Н. Инновационный менеджмент. – М., 2003. – 235 с.; Дудь А.П. Инновации в туризме / А.П.Дудь // Научный вестник МГИИТ. – 2011. – № 4. – С. 15.; Абульян Ю.И. Особенности инноваций в туризме // Экономика. Право. Печать. Вестн. КСЭИ. – 2013. – № 3. – С. 241-250.; Рахмонов Р.Т. Инвестиции как ресурс обеспечения инновационной деятельности в регионе: Дис...канд. экон. наук. – Владимир, 2011. – 172 с.

⁹ Ғуломов С.С. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш ва барқарор ривожланиш омиллари. Билимга таянган инновацион иқтисодиёт. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2016. – 136 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқ. Минтақа иқтисодиётининг замонавий муаммолари. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2020.; Вахобов А.В. ва бошқ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Вахобовнинг умумий тахрири остида. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.; Асланова Д.Х. Роль инноваций и их значение в инвестициях на рынке туристских услуг в Узбекистане / Д.Х. Асланова, Б.Ш. Сафаров, А. Хайруллаев // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016. – № 3. – С. 18-22.; Эргашев Р.Х. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. // Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истикболлари. – Қарши: РИАА., 2015 – Б. 259-261.

туристик корхоналарда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларини қўллаш зарурати, уларнинг имкониятлари ва истиқболларини асослаб бериш;

туристик хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш асосида туризмни ривожлантириш ва соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

инвестицион лойиҳаларни венчур капитали ҳисобига молиялаштиришнинг жаҳон илғор тажрибасини қўллашга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш механизмларини қўллашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда туризм соҳаси хўжалик субъектлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети туризм соҳаси инвестицион жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таққослаш, тизимли таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, социологик сўров, истиқболли башоратлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“туризмда инвестиция” тушунчасининг таърифи туризм соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятига бевосита таъсир этувчи тарихий мерос объектларининг модернизацияси билан боғлиқ капитал маблағлари сарфларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда такомиллаштирилган;

туристик корхоналарда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш асосида уларнинг жозибадорлигини ошириш ва инновацион-инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда даромадлилик индекси ва фойданинг ички меъёри кўрсаткичларини қўллаш таклиф этилган;

туризм соҳасидаги хўжалик субъектлари инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва туризм хизматлари соҳасида инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида минтақавий инновацион марказ (МИМ)ларни ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилган;

туризм соҳаси хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этиш орқали инновацион турмахсулотларни ишлаб чиқиш ва туристларга тақдим этишни венчурли молиялаштириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“инвестиция” тушунчасининг таърифи сарфланган барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан ижтимоий ва иқтисодий самара олишга эришиш мақсади асосида такомиллаштирилган;

туризм соҳаси хўжалик субъектлари инвестицион фаолиятига таъсир этувчи ўтмишда жамланган туристик салоҳиятни модернизация қилиш билан боғлиқ хусусиятларни ўзида акс эттирувчи “туризмда инвестиция” тушунчасининг янги таърифи ишлаб чиқилган;

туризм соҳасида инновацион-инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилиш ва стратегик мақсадга самарали эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

соҳа корхоналари ихтиёридаги инвестицион ресурсларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берувчи минтақавий инновацион марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

туризм соҳаси хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этиш орқали инновацион турмаҳсулотларни ишлаб чиқиш ва туристларга тақдим этишни венчурли молиялаштириш ва рағбатлантириш ёрдамида туристик корхоналар томонидан олинадиган даромад (фойда)нинг 12 фоизга ошишини таъминлаши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги ҳамда муайян илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туризм соҳасини инновацион ривожлантириш, инвестицион ресурсларни самарали жалб қилиш ва фойдаланиш бўйича услубий аҳамиятга молик ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар туризм соҳасини инновацион ривожлантиришнинг услубий аппаратини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан туризм соҳасини макро ва ҳудудлар даражасида ривожлантириш, инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда ҳамда “Инвестиция”, “Инвестиция ва инновациялар”, “Инвестиция сиёсати” каби фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туризм соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“туризмда инвестиция” тушунчаси такомиллаштирилган таърифидан Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 мартдаги 04/5-05-59-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши “туризмда инвестиция” тушунчаси моҳиятини туристик объектларни модернизация қилиш асосида тўлароқ акс эттиришга хизмат қилган;

туристик корхоналарда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш асосида уларнинг жозибадорлигини ошириш ва инновацион-инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда даромадлилик индекси ва фойданинг ички меъёри кўрсаткичларини қўллаш бўйича таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 03-16/1365-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида туристик корхоналарда инвестиция лойиҳалари самарадорлиги 10-12 фоизга ошишини таъминлаган;

туризм соҳасидаги хўжалик субъектлари инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва туризм хизматлари соҳасида инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида минтақавий инновацион марказ (МИМ)ларни ташкил этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 03-16/1365-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга тадбиқ этилиши минтақада инвестицион ресурслар самарадорлигини инновацияларни жорий этиш ҳисобидан оширишга хизмат қилган;

туризм соҳаси хўжалик субъектларига инвестицияларни жалб этиш орқали инновацион турмахсулотларни ишлаб чиқиш ва туристларга тақдим этишни венчурли молиялаштириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий этилган (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 03-16/1365-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида жами хизматлар таркибида инновацион турмахсулотлар улуши 20 фоизгача, туристик корхоналар оладиган даромад (фойда) 12 фоизга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та халқаро ва 16 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 154 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети шакллантирилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида туризмни ривожлантириш стратегиясини такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида туризм соҳаси ролининг ошиб бориши ва ушбу соҳани инновацион ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, туризм, унинг моҳияти ва соҳани жадал ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, уни инновацион ривожлантиришда инвестицияларнинг роли, иқтисодий мазмуни ва таснифи ҳамда бугунги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, туризмни инновацион ривожлантиришнинг зарурати, аҳамияти ва асосий йўналишлари ёритилган. Туризмнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, аҳоли бандлиги, даромадлари ва бошқа муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш туризм соҳаси тўғрисида аниқ тасаввур ва назарий билимларнинг бўлишини тақозо этади.

Назарий изланишлар шуни кўрсатдики, “туризм” атамаси биринчи марта 1830 йилда В.Жекмо томонидан қўлланилган бўлиб, французча “саёҳат” маъносини англатади. Туризмнинг ҳозирги кундаги катта аҳамияти, унга тадқиқотчилар эътиборининг кучайиши, халқаро миқёсдаги ривож ва кўплаб халқаро туристик ташкилотларнинг ташкил этилишининг натижаси сифатида “туризм” тушунчасига ҳар хил таърифларни учратдик. Уларнинг батафсил таҳлили диссертация ишида келтирилган.

Хорижий мутахассислар “туризм” тушунчасини тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қараши диққатга сазовор. Масалан, швейцариялик олим К.Каспарнинг фикрига кўра, туризм тизимининг асосида иккита кичик тизим мавжуд: туристик субъект ва туристик объект. Шунингдек, туристик объект учта элементдан ташкил топган – туристик ҳудуд, туристик корхоналар ва туристик ташкилотлар¹⁰. Ушбу ёндашувларни қуйидаги чизма шаклида ифодаладик (1-расм).



1-расм. Туризм модели тизим сифатида¹¹

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни инвестицияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Хусусан, инвестициялар билан боғлиқ жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти учун устувор аҳамият касб этади. Демак, юксалишга юз тутган, ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин

¹⁰ Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: Учебник. – М.: КНОРУС, 2015. – С. 7.


¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

олишга интилаётган бизнинг мамлакатимиз учун ҳам инвестиция билан боғлиқ муаммолар ўта долзарб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз тадқиқ этаётган туризм соҳасини инновацион ривожлантириш учун инвестицияларнинг аҳамияти ва зарурлигини исботлаш мақсадида “туризмда инвестиция” тушунчасининг янги таърифини ишлаб чиқдик ва у қуйидагидан иборат: “Туризмда инвестициялар – бу капитал ёрдамида янги туристик объектларни яратиш, шунингдек муайян туристик маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган мавжуд объектларни модернизация қилиш жараёнидир”.

Рақобат кураши тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётнинг барча соҳаларини, жумладан, туризм соҳасини ҳам инновацияларсиз ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ривожланиш истагида бўлган ҳар қандай корхона, жумладан, туристик корхоналар инновацияларни қабул қилиши ва фаолиятига фаол жорий қилиши лозим.

Кейинги йилларда иқтисодиёти устун ривожланган Ғарб мамлакатларида инновацион жараёнлар илму-фан ва билимнинг кучли таъсири остида шиддат билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодий тараққиётда янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этишда ахборот ва коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси инновацион жараёнларнинг янгича тармоқли тақсимланишини (Sectoral distribution of investments by stages of the innovation process) қўллашни тақозо этади (2-расм). Ушбу тармоқли тақсимланишда инвестициялар инновацион жараённинг барча босқичларида интеграциялашган иштирокчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган.



2-расм. Инвестицияларни инновацион жараён босқичлари бўйича тармоқли тақсимланиши¹²

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Назарий изланишлар жараёнида Ўзбекистонда туризмни инновацион ривожлантириш нафақат салмоқли иқтисодий, балки юқори ижтимоий самара бериши ҳам мумкинлиги асосланган. Туризмни инновацион ривожлантириш жамият учун, тармоқ учун, унинг таркибидаги алоҳида корхона, ташкилот ва компаниялар учун ҳам катта ижтимоий аҳамиятга эга.

Бизнингча, жамият даражасида туризмни инновацион асосда ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти биринчи навбатда аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш билан белгиланади. Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги адабиётларда туризмни инновацион тараққиёт йўли ундаги мавжуд мавсумийликни бартараф этишнинг ва уни барқарор ривожлантиришдаги алоҳида аҳамияти эътироф этилган¹³. Бунга қўшимча равишда, туризмни инновацион тараққий эттиришнинг жамият миқёсидаги ижтимоий аҳамияти сифатида унинг туристик хўжалик субъекти ялпи даромадлари ва корхона ишчи-ходимлари иш ҳақининг кўпайиши орқали, бюджетга келиб тушадиган солиқларининг кўпайиши ҳамда хўжалик субъектлари сарф-харажатларининг тежалиши орқали аҳоли турмуш даражаси ва сифатига ижобий таъсирини кўрсатади.

Тармоқ миқёсида туризмни инновацион ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамиятини унинг тармоқлараро рақобат курашидаги рақобатбардошлигини ошириш орқали ушбу тармоққа инвестициялар оқимини кенгайтириш ҳамда малакали кадрларни жалб этишда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасини тез суръатлар билан ўстириш заруратининг тобора кучайиб бориши мамлакатда соҳани фаол инвестициялашга йўналтирилган иқтисодий муҳитни яратишни тақозо этади. Бунинг эвазига инвестицион ресурсларга талаб йилдан-йилга ва тез суръатлар билан кучайиб боради.

Диссертациянинг **“Туризм хизматлари соҳасида инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда туризм соҳасида инвестицион ресурслар ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ўрганилган, туристик корхоналарда инвестицион ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни баҳолашнинг замонавий усуллари таҳлил қилинган. Туризм соҳасини ривожлантириш учун қанча инвестицион ресурслар йўналтирилиши керак, бозор иқтисодиёти шароитида соҳанинг ушбу ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжларини қондиришда экстенсив ва интенсив омилларнинг улуши қанча бўлиши керак, ресурслардан қандай оқилона фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги долзарб муаммоларнинг ечимини топиш учун, авваламбор, амалиётдаги аҳволни ўргандик, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилдик, вазиятни объектив баҳоладик. Амалга оширилган таҳлил натижалари

¹³ Голубев А.А. Экономика и управление инновационной деятельностью. Учебное пособие. – СПб.: НИУ ИТМО, 2012. – С. 7.; Козлов К., Соколов Д.Г., Юдаева К.В. Инновационная активность российских фирм. // Экономический журнал. Высшей школы экономики. – 2004, № 3. – С. 405.; Knyazev S. Application of dynamic capabilities of the economic system for the purposes of sustainable innovation development // Proceedings of the International Scientific Conference "Competitive, Sustainable and Secure Development of the Regional Economy: Response to Global Challenges" (CSSDRE 2018). pages 301-304.; Дудь А.П. Инновации в туризме / А.П.Дудь // Научный вестник МГИИТ. – 2011. – № 4. – С. 15.

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни ривожлантириш миллий иқтисодий ва ижтимоий юксалтиришнинг муҳим омили сифатида қаралади ва уни тез суръатлар билан ўстириб бориш сиёсатида амал қилинади (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида 2010-2019 йилларда асосий капиталга инвестициялар¹⁴

Республикада ижтимоий соҳа ва иқтисодий ривожлантириш учун 2019 йилда 195927,3 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса 2018 йилга нисбатан 183,0 фоизни ташкил этди. 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич 107333,1 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 157,0 фоиз асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди¹⁵. Лекин Ўзбекистонда асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши юқори бўлишига қарамадан, унинг мутлақ миқдори ЯИМ ҳажмининг камлиги оқибатида катта салмоққа эга эмас.

Хулосамизнинг далили сифатида, аҳоли жон бошига инвестициялар бўйича таққослама таҳлил натижаларини келтирмоқчимиз. 2019 йил маълумотларига асосан, асосий капиталга инвестицияларнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўртача миқдори 584,0 АҚШ долларини¹⁶ ташкил этган бўлса, у Россияда 1843,0 АҚШ долларини¹⁷, Қозоғистонда эса 1653,0 АҚШ долларини¹⁸ ташкил этган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, туризмга йўналтирилган инвестицион ресурсларнинг ҳажми, унинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари нафақат миллий иқтисодиётда асосий капиталга сарфланган харажатлар миқдори, балки тармоқнинг ялпи инвестицион ресурслардаги улушига ҳам узвий

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. // <https://stat.uz>

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Инвестиции в РФ в 2019 году выросли на 1,7 процентов. // https://1prime.ru/state_regulation/20200304

¹⁸ Инвестиции в основной капитал: обзор за 2019 год. // <http://finreview.info/ru/review/investicii>

боғлиқ. Таҳлил натижалари Ўзбекистонда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицион ресурслар таркибида туризмнинг улуши жуда пастлигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда инвестицияларнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича таркибидаги ўзгаришлар, млрд. сўм¹⁹

№	Тармоқлар ва соҳалар	Инвестициялар				2019 йил 2010 йилга нисбатан, (марта)
		2010		2019		
		ҳажми	улуши, (% да)	ҳажми	улуши, (% да)	
	Инвестициялар, жами	15338,7	100,0	195927,3	100,0	12,7
1	Саноат	4659,9	30,4	71059,8	36,3	15,2
2	Қишлоқ хўжалиги	530,6	3,5	12199,1	6,2	22,9
3	Қурилиш	219,6	1,4	27535,1	14,1	125,3
4	Ахборот ва алоқа	х	х	2679,0	1,4	х
5	Савдо ва умумий овқатланиш	743,3	4,8	7395,2	3,8	9,9
6	Ташиш ва сақлаш	х	х	14047,7	7,2	х
7	Маиший хизмат кўрсатиш	2742,2	18,0	х	х	х
8	Соғлиқни сақлаш	343,7	2,2	8156,6	4,1	23,7
9	Таълим	408,3	2,7	5511,0	2,8	13,5
10	Молия ва суғурта фаолияти	х	х	1822,5	0,9	х
11	Бошқа фаолият турлари	5333,3	34,7	43565,2	22,2	8,2
12	Туризм	357,8	2,3	1956,1	1,0	5,5

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосидаги таҳлил шундан далолат берадики, туризмда инвестицияларнинг ўсиш суръатлари миллий иқтисодиёт бўйича ялпи инвестициялар ўсиш суръатларидан бирқадар паст. Туризмда инвестициялар ҳажми 2010-2019 йиллар мобайнида 5,5 мартага ошган бўлса, миллий иқтисодиётда у қарийб 12,7 мартага кўпайган. Натижада туризмга инвестициялар ҳажмининг иқтисодиёт бўйича ялпи инвестициялардаги улуши таҳлил этилаётган йиллар мобайнида 2,3 фоиздан (2010 йил) 1,0 фоизга қадар (2019 йил) камайган. Бундан хулоса туризм соҳасида асосий капиталга инвестициялар улушининг миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги улушига нисбатан пасайиш тенденцияси мавжуд (2-жадвал).

Туризмдан даромад олиш учун туристларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, замонавий ва юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, яъни инвестицион ресурслар ҳажмини кенгайтириш чораларини излаб топиш керак. Туризмда инвестицияларнинг ҳолати ва бу соҳада кечаётган ўзгаришларга баҳо бериш учун туризмда инвестицияларнинг ҳажми ва ўсиш суръатларини миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги мазкур кўрсаткичлар ва уларнинг динамикаси билан таққосладик.

¹⁹ Ўзбекистонда қурилиш 2016-2019. Статистик тўплам. Тошкент, 2020 йил.

Ўзбекистонда 2010-2019 йилларда туризмга инвестицияларнинг асосий капиталга ялпи инвестициялар таркибидаги улушининг ўзгариши²⁰

Йиллар	Асосий капиталга ялпи инвестициялар, (млрд. сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, (% да)	шу жумладан,		Туризмда инвестицияларнинг ялпи инвестициялардаги улуши, (% да)
			туризм соҳасида инвестициялар*, (млрд. сўм)	2010 йилга нисбатан ўсиш суръати, (% да)	
2010	15338,7	100,0	357,8	100,0	2,3
2011	17933,4	116,7	421,2	117,7	2,3
2012	22797,3	148,6	514,7	143,9	2,3
2013	28694,6	187,1	606,3	169,5	2,1
2014	35233,3	229,7	731,4	209,4	2,1
2015	41670,5	271,7	851,4	238,0	2,1
2016	48083,1	313,5	1052,1	294,1	2,2
2017	68423,9	446,1	1428,3	399,2	2,1
2018	107733,1	702,3	1741,6	486,7	1,6
2019	195927,3	1238,2	1956,1	546,7	1,0

*Манба: <https://wttc.org/Research/Economic-Impact>

Туризм соҳасида инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг моҳияти шундан иборатки, ушбу аҳамиятли ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳар бир инвестицион ресурс сарфига юқори иқтисодий натижаларга эришишни таъминлаш зарур. Инвестицион ресурслар таҳлилининг тўла қонли ва барча яширин заҳираларни аниқлаш имконини берадиган даражада бўлиши учун, иқтисодий таҳлил 2 даражада: макродаражада, бутун мамлакат миқёсида туризмда инвестицион ресурсларнинг самарадорлиги ва макродаражада яъни, алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар кесимида амалга оширилиши лозим.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 2015-2019 йилларда Ўзбекистонда қиравчи туризм, айниқса, ички туризм тез суръатлар билан ривожланган (3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туризмга йўналтирилган инвестициялар миқдори 851,4 млрд. сўмдан (2015 йил) 1956,1 млрд. сўмгача (2019 йил) ёки 2,3 мартага кўпайган. Қиравчи туризмнинг тез суръатлар билан ривожланиши, мамлакатга ташриф буюрувчи туристлар сонининг кескин кўпайиши, туризм экспорти ҳажмига катта ижобий таъсир кўрсатганлиги диққатга сазовор. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистонда хорижлик туристлар ҳисобидан келган тушумлар миқдори 2015 йилда 1341,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда у 13688,5 млрд. сўмни ташкил этди ёки 10,2 мартага кўпайди. Инвестицияларга йўналтирилган ресурсларнинг ўсиш суръатлари (2,3 марта), туризм экспортининг ўсиш суръатлари (10,2 марта) сезиларли даражада кўпайганлигини ижобий жараён сифатида баҳоладик.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда туризмда инвестицион ресурслар самарадорлиги кўрсаткичлари²¹

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2019 йил 2015 йилга нисбатан ўсиши, (марга)
		2015	2016	2017	2018	2019	
1	Ўзбекистонга хориждан ташриф буюрган туристлар сони, минг киши ²²	1918,0	2027,0	2690,0	5346,0	6748,0	3,5
2	Ички туризм, минг киши	1754,2	1871,7	2145,9	14000,0	14700,0	8,3
3	Инвестициялар, млрд. сўм	851,4	1052,1	1428,3	1741,6	1956,1	2,3
4	Туризм хизматлари экспорти, млрд. сўм	1341,5	1273,8	4300,6	10670,6	13688,5	10,2
5	Ҳар бир хорижлик туристга ўртача сарф-харажатлар (инвестиция), минг сўм	443,8	519,0	530,9	325,7	289,8	65,2%
6	Ҳар бир хорижлик туристнинг туризм хизматларига сарфлари (туризм экспорти), минг сўм	699,4	628,4	1598,7	1996,0	2028,5	2,9
7	Ҳар бир сўм инвестицияга туризм экспорти, сўм	1,58	1,21	3,01	5,45	7,86	5,0

Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг таклиф қилинаётган усули ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уч босқичда амалга оширилади:

1. Йиллар бўйича дастлабки кўрсаткичларни ҳисоблаш.
2. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш.
3. Инновацион-инвестицион лойиҳалар самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг биринчи босқичида молиявий қўйилмаларни асослаб бериш учун қуйидаги самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқдик:

1. Дисконтланган пул оқимлари ҳажми ва дисконтланган инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаб чиқдик (4-жадвал).

²¹ <https://wtcc.org/Research/Economic-Impact> расмий статистик маълумотлари.

²² Ўтган йилда салкам 7 млн сайёҳ Ўзбекистонга келди. 2019 йилда туризм соҳасидаги амалга оширилган ишларнинг тўлиқ таҳлил (инфографикалар). // <http://xs.uz/uzkr/post/otgan-jilda-salkam-7-mln-sajyoh>

**“Вахтаг-V” туристик корхонасида дисконтланган пул оқимлари
ҳажмини ва инвестицион қўйилмаларни ҳисоблаш
(дисконтлаш ставкаси 17%)**

Йиллар	Соф пул оқими, (млн. сўм)	Инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)	Дисконтлаш коэффициенти	Дисконтланган пул оқими, (млн. сўм)	Дисконтланган инвестицион қўйилмалар, (млн. сўм)
2018	-	174,8	1,0	-	174,8
2019	24,5	48,0	0,855	20,94	41,04
2020	68,8	47,0	0,731	50,29	34,35
2021	140,0	45,0	0,624	87,36	28,08
2022	128,7	45,0	0,534	68,72	24,03
2023	155,7	-	0,456	70,99	-
2024	55,5	-	0,390	21,64	-
2025	100,4	-	0,333	33,43	-
Жами	673,6	359,8	-	353,37	302,3

Дисконтлаш коэффициентини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқдик:

$$a = 1/(1+E)^t \quad (1)$$

бу ерда, а – дисконтлаш коэффициентини; Е – дисконтлаш ставкаси; t – вақт (йил).

2. Самарадорлик кўрсаткичларини қуйидагича ҳисоблаб чиқдик:

1) Соф келтирилган даромадни қуйидаги формула ёрдамида амалга оширдик:

$$NPV = DCF - DI \quad (2)$$

бу ерда, DCF – дисконтланган пул оқими; DI – дисконтланган инвестиция қўйилмалари.

$$NPV = 353,37 \text{ млн. сўм} - 302,3 \text{ млн. сўм} = 51,07 \text{ млн. сўм}$$

2) Даромадлилик индексини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилди:

$$PI = DCF / DI \quad (3)$$

$$PI = 353,37 \text{ млн. сўм} / 302,3 \text{ млн. сўм} = 1,16$$

3) Лойиҳани қоплаш муддати қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$PP = DI / DCF_{ay} \quad (4)$$

бу ерда, DCF_{ay} –дисконтланган пул оқими миқдори ўртача йил ҳисобида.

$$PP = 302,3 \text{ млн. сўм} / (353,37 \text{ млн. сўм} / 7) = 5,98 \text{ йилда}$$

Ҳисоб-китобларимиз натижасидан кўриниб турибдики ушбу лойиҳа 5 йил 9 ой 8 кунда ўзининг муддатини қоплайди.

4) Фойданинг ички меъёрини аниқлаш учун, K1 ва K2 дисконтлаш ставкасининг қиймати танланди ва шу вақт оралиғида NPV ўз қийматини ижобийдан салбийга ўзгартирди ва у қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$IRR = K1 + (NPV1 / (NPV1 - NPV2)) \times (K2 - K1) \quad (5)$$

бу ерда, K – дисконтлаш ставкаси.

“Вахтар-V” туристик корхонаси маълумотлари асосида дисконтланган пул оқимлари ҳажмини дисконтлаш коэффиценти ставкасини 21 фоизга, кейинги сафар 22 фоизга кўтариш йўли билан яна ҳисоб-китобларни амалга оширдик.

$$NPV(21\%) = 310,38 \text{ млн. сўм} - 292,9 \text{ млн. сўм} = 17,48 \text{ млн. сўм}$$

$$NPV(22\%) = 300,09 \text{ млн. сўм} - 290,8 \text{ млн. сўм} = 9,29 \text{ млн. сўм}$$

Фойданинг ички меъёрини ҳисоблаб чиқамиз:

$$K1 = 21\%; NPV1 = 17,48; K2 = 22\%; NPV2 = 9,29;$$

$$IRR = 0,21 + (17,48 \text{ млн. сўм} / (17,48 - 9,29) \text{ млн. сўм}) \times (0,22 - 0,21) = 0,2313 = 23,13\%.$$

3. Самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилдик ва инновацион инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳоладик.

Танлов доирасини кенгайтириш таҳлил этилаётган “Вахтар-V” туристик корхонаси бўйича олинган натижаларни бошқа туристик корхона фаолияти билан қиёсладик. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган яна 2 та туристик корхоналар танланган: “Lifetime Tours”, “Tillokori Registon”. Улар бўйича ҳам “Вахтар-V” туристик корхонаси мисолида олиб борган барча ҳисоб-китобларни худди ўша кетма-кетликда амалга оширдик. Ҳисоб-китоблар асосида олинган натижалар 5-жадвалда ўз ифодасини топган.

5-жадвал

Самарқанд вилоятидаги туристик корхоналар самарадорлик кўрсаткичлари натижалари²³

№	Туристтик корхоналар	Соф келтирилган даромад, (млн. сўм)			Даромадлилик индекси	Лойиҳани қоплаш муддати, (йилда)	Фойданинг ички меъёри, (% да)
		Дисконтлаш ставкаси					
		17%	21%	22%			
1.	“Вахтар-V”	51,07	17,48	9,29	1,16	5,98	23,13
2.	“Lifetime Tours”	33,8	15,0	-7,1	1,11	4,42	21,06
3.	“Tillokori Registon”	511,14	199,449	130,249	1,18	5,92	23,88

Таҳлиллар натижасидан кўриниб турибдики, танланган туристик корхоналар ўртасида “Tillokori Registon” корхонасининг тўртта кўрсаткич бўйича самарадорлиги юқори, деган хулосага келинди.

²³ Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган учта туристик корхоналар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Эластиклик иқтисодиётда натижавий кўрсаткичнинг муайян бир омил таъсири остида ўзгариш миқдорини аниқлаш мақсадида ишлатилади. Масалан, истеъмолда талаб ёки таклиф ҳажмига таъсир қилувчи омиллар (нарх, истеъмолчи даромадлари ва бошқалар)нинг таъсир кучини аниқлашда ишлатилади. Биз уни ҳар бир бирлик туризмга қилинган инвестицион сарф-харажатларнинг туризм хизматлари ҳажмига таъсирини ўлчаш мақсадида ишлатдик. Бунда биз қуйидаги формуладан фойдаландик:

$$\mathcal{E}_{\text{тх}} = \frac{\Delta X}{\Delta U} \quad (6)$$

Бунда:

$\mathcal{E}_{\text{тх}}$ - туризм хизматларига туристлар талабининг инвестиция бўйича эгилувчанлиги (сезгирлиги);

